

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2021.V.05.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОКИРОВА МОХИДИЛҲОН СУВАНХАНОВНА

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ НИНАЧИЛАРИ
(INSECTA: ODONATA) ФАУНАСИ, МОРФО-ЭКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

УЎК: 595.733:591.4/.5(575.12) (043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Зокирова Моҳидилхон Суванхановна

Фарғона водийси ниначилари (Insecta: Odonata) фаунаси, морфо-
экологик хусусиятлари.....3

Зокирова Моҳидилхон Суванхановна

Фауна и морфо-экологические особенности стрекоз (Insecta: Odonata)
Ферганской долины.....21

Zokirova Mokhidilkhon Suvankhanovna

Fauna and morpho-ecological features of dragonflies (Insecta: Odonata) of
the Fergana valley.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2021.В.05.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОКИРОВА МОХИДИЛХОН СУВАНХАНОВНА

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ НИНАЧИЛАРИ
(INSECTA: ODONATA) ФАУНАСИ, МОРФО–ЭКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/В395 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мўминов Боқижон Алимович
биология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Дадаев Сайдулла
Биология фанлари доктори, профессор
Аҳмедова Зухра Юлдашевна
Биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.06.2021.В.05.06 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил ~~30.12~~ куни соат ~~1400~~ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 712000, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19 уй, ФДУ мажлислар зали. Тел.: (99873) 244-29-71, факс (99873) (+99873) 244-44-93, E-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~140~~ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 712000, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19 уй, ФДУ мажлислар зали. Тел.: (99873) 244-29-71, факс (99873) (+99873) 244-44-93

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил «15» дек даги 1 рақамли реестр баённомаси)



И.И.Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., доцент

Ш.Қ.Юлдашева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент

А.К.Хусанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида антропоген омил ҳисобига кузатилаётган трансформация жараёни экологик ҳолатнинг кескин ўзгаришига ва биохилма хилликнинг тур таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, урбанизациянинг кенгайиши нинчилар локал яшаш жойларининг қисқариб боришига ҳамда ноёб ва табиатан камёб бўлган турларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, табиий ва маданий ландшафтларда нинчиларнинг турлар хилма-хиллигини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини асослаш, камёб ва йўқолиб бораётган турларни сақлаб қолиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Жаҳонда табиий ва антропоген муҳитларда кенг тарқалган нинчи туркуми вакилларининг атроф-муҳит ва биологик тизимларга таъсирини белгилаш уларнинг популяцияларига таъсир этувчи омилларини аниқлаш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда нинчилар туркуми вакилларининг турли минтақалар бўйлаб тарқалишига доир тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Натижада уларнинг текислик, адир, тоғ минтақалари ва урбанлашган ҳудудларда яшовчанлик хусусиятлари намоён бўлмоқда. Бу ўринда, нинчилар туркуми вакилларининг хилма-хил стацияларга мослашувчанлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг популяцияларидаги ўзгаришларни изоҳлаш, популяция биологиясини асослаш, табиий биоценозларнинг ифлосланиши даражасини аниқлаш, тоғ олди ва тоғли ҳудуд ландшафтларидаги антропоген босимни белгилаш ва зарарли турларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда биологик хилма-хилликни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада жумладан, умуртқасиз ҳайвонларни инвентаризациялаш, кадастрлаш ва ноёб турларини сақлаб қолиш усулларини ишлаб чиқишга доир қатор натижаларга эришилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...атроф-муҳит ва генофондга таъсир этаётган муаммоларни бартараф этиш» юзасидан вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Фарғона водийси нинчилар фаунаси замонавий ҳолатини баҳолаш, экологияси ва ҳаёт циклини асослаш, камёб ва ҳимояга муҳтож турларини сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Одонатофаунанинг дунёнинг турли минтақалар бўйича тасономик таркиби, биологияси, экологияси, географик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ўтган даврларда хорижнинг етакчи олимлари томонидан олиб борилган. Италияда – Т.Бентивоглио (1908), Ц.Конси ва Ц.Нельсен (1956), Англияда – А.Аскью (1988), Францияда – П.Агюсс (1968), Руминияда – Ф.Кирде ва Ф.Булимар (1965), собиқ Югославияда – М.Котарек (1995; 1997), Шимолий Африкада – К.Мортон (1919; 1920), Эр.Шмидт (1953, 1954), Г.Дюмон (1972а; 1994; 1995), Малазияда – Г.Орр (2005), Австрияда – Г.Тайшингер (2009), Нидерландияда – В.Калкман (2010), Хиндистонда – В.Наир (2014), Шимолий Америкада – М.Мей (2019), ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида турли минтақаларга мансуб ниначиларни Г.Г.Якобсон ва В.Л.Бианка (1905), А.Н.Бартенев (1912), А.Попова (1947), В.Крилова (1969), Б.Бельшев (1977), Д.Кукашев (1989), А.Харитонов (1970), С.Борисов (1983), Х.Кетенчиев (2002), А.Перепелов (2003), И.Чаплина (2004), О.Белевич (2005), К.Залиханов (2005), А.Тихонова (2012), И.Маликова (2014) ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий фаолиятида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда, хусусан Фарғона водийсида ҳам одонатологик тадқиқотлар деярли олиб борилмаган. Айрим маълумотлар ҳисобига ёритилган тадқиқотлар Ўзбекистондаги ниначилар туркумига мансуб хашаротларнинг биологик ва экологик хусусиятлари ҳамда ҳаётий цикли ҳақида тўла маълумот бера олмайди. Шу сабабли, Фарғона водийсидаги ниначилар туркумига мансуб хашаротларнинг таксономик таркибини, тарқалишини, кенг тарқалган турларнинг биологияси ва ҳаётий циклини ўрганиш ҳамда турли экологик минтақаларда яшовчи турларнинг морфометрик ўзгарувчанлигини асослаш, ҳимояга муҳтож ва камёб турларини сақлаб қолиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Фарғона водийси ҳайвонот дунёсини тадқиқ этиш, тур таркиби, тарқалиши ҳаётий жараёнларини ўрганиш асосида ноёб турларни муҳофаза қилишни назарий ва амалий муаммолари” (2013-2020) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийси одонатофаунаси тур таркибини систематик ва муҳим турларнинг морфоэкологиясини асослаш, географик тарқалиш хусусиятларини очиб бериш ҳамда камёб турларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийси одонатофаунаси турларини таксономик таҳлил этиш;

Фарғона водийси одонатофаунасининг турли географик минтақаларда тарқалиш хусусиятларини тавсифлаш;

одонатофаунада учровчи турларнинг морфологик ва экологик хусусиятларига тавсиф бериш;

Фарғона водийсида айрим кенг тарқалган ниначи турларини биологик хусусиятларини асослаш;

турли географик (вертикал) минтақаларда тарқалган айрим ниначи турлари популяцияларидаги морфометрик фарқланишларни қиёсий таҳлил этиш;

камёб ниначи турларини муҳофаза этиш юзасидан илмий – амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийсида тарқалган ниначилар фаунаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети Фарғона водийси ниначиларининг тур таркиби, таксономик таҳлили, биологик хусусиятлари, турли экологик шароитларда яшашга мосланиш йўналишларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик, энтомологик, морфологик, экологик ҳамда биометрик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсида учровчи ниначилар фаунасининг 2 та кенжа туркум, 6 та оила, 12 та авлодга мансуб бўлган 20 та ниначи турлари аниқланган;

илк бор Ўзбекистон энтомофаунаси учун янги бўлган 5 ниначи тури (*Iscnura pumilio*, *Ophiogomphus cecilia*, *Sympetrum meridionale*, *Libellula quadrimaculata* ва *Orthetrum sabina*) аниқланган;

Фарғона водийсидаги турли географик (вертикал) минтақаларда тарқалган айрим ниначи турлари популяцияларини морфометрик фарқланиши аниқланиб биометрик усулда исботланган;

Марказий Осиёда тарқалган муҳим ниначи турларининг биоэкологияси асосланган;

Фарғона водийсининг одонатофаунаси тур таркиби, турли хил географик иқлим минтақаси бўйича турларни тарқалиш хусусиятлари очиб

берилган;

Фарғона водийсида тарқалган ноёб ниначи турларини муҳофаза этиш юзасидан илмий амалий – тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон, шу жумладан Фарғона водийси ниначиларини ўрганиш ва мониторинг қилишда фойдаланиш учун Фарғона водийси ниначи туркумининг таснифий каталоги ишлаб чиқилган ва уларнинг экологиясига оид маълумотлар базаси яратилган;

сувда сузувчи қушлар ва балиқчилик хўжаликларида кўпгина балиқлар учун ниначи личинкалари қимматли озуқа эканлиги аниқланган ҳамда ишлаб чиқилган тавсиялар амалиётга қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги классик ва замонавий тадқиқот усулларини қўлланилганлиги, улар асосида олинган натижаларнинг назарий ва амалий мутаносиблиги, етакчи, нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, тадқиқотнинг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийси ниначиларининг фаунистик таҳлили, яшаш ва озикланишга мосланиши бўйича морфоэкологик жиҳатдан таснифлаб берилганлиги, асосий турларнинг биологик ва экологик хусусиятлари ёритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Фарғона водийси минтақасида ниначилар турларининг биологик хилма-хиллик даражасини баҳолаш, ушбу турлардан табиий сув манбаларининг сифат даражасини мониторинг қилишда биоиндикация мақсадлари, шунингдек биологик ва экологик тадқиқотлар ҳамда турлар ген банкни бойитиш учун илмий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Фарғона водийси ниначилари фаунаси ва морфо-экологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фарғона водийси худудида тарқалган *Zygoptera* ва *Anisoptera* кенжа туркумларига мансуб *Calopterygidae*, *Lestidae*, *Coenagrionidae*, *Gomphyidae*, *Aeshchnidae*, *Libellulidae* оилаларининг 20 турга мансуб ниначиларни - тотал препарат намуналари Республикада етакчи бўлган “Зоология институти коллекцияси” фондига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 28 декабрдаги 4/1255-2977-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар ҳашаротлар коллекцияси фондиди бойитган ва тур таркибини аниқлаш учун қиёсий таҳлиллар ўтказиш ва ландшафтлар бўйича тақсимланишни таҳлил этиш ҳамда интерфаол атласлар таёрлаш имконини берган.

Фарғона водийси одонатофаунаси личинкалари сувда сузувчи қушлар ва балиқчилик хўжаликларида кўпгина балиқлар учун қимматли озуқа ҳисобланиб, бу бўйича асосланган амалий тавсиялар Ўзбекистон

Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2020 йил 15 сентябрдаги 02-10-308-сон маълумотномаси). Натижада, Фарғона водийсининг қатор туманларида агроценоз ва табиий экотизимлар биологик хилма - хиллигини мониторинг қилиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шулардан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Ниначиларни ўрганилиш тарихи» деб номланган диссертациянинг биринчи бобида хорижий мамлакатларда олиб борилган тадқиқот натижалари мавжуд адабиётлар асосида таҳлил қилинган ва ёритилган. Тадқиқот олдида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, Палеарктика зоогеографик минтақасида ниначиларнинг тарқалишига оид тадқиқотлар таҳлили, шунинг билан бирга Марказий Осиёда ниначиларни ўрганилиши ҳамда уларнинг биогеоценозларда ва инсон хўжалик фаолияти учун аҳамияти ҳақидаги маълумотлар келтирилган.


Бундан ташқари, ниначиларнинг таснифий ва таксономик хусусиятларига оид ҳамда тарқалиш қонуниятлари бўйича маълумотлар ушбу бобдан жой олган.

Адабиётлар таҳлили асосида республикамиз худудлари, жумладан, Фарғона водийси бўйича деярли одонатологик тадқиқотлар амалга оширилмаганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ниначиларни ўрганиш жойи, тадқиқот материали ва услублари**” деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи бўлимида тадқиқотлар олиб борилган Фарғона водийсининг айрим ҳудудлари, жумладан Андижон вилоятининг Улуғнор, Бўз, Балиқчи, Избоскан, Пахтаобод, Марҳамат, Хўжаобод, Қўрғонтепа туманлари, Андижон, Асака ва Хонобод шаҳарлари, Фарғона вилоятининг Қува, Ёзёвон туманлари, Фарғона шаҳри, Наманган вилоятларининг Наманган, Чортоқ, Мингбулоқ табиий-географик хусусиятларига оид қисқача материаллар келтирилган (1-расм).

Бобнинг иккинчи бўлими тадқиқот материали ва услубларига бағишланган. Тадқиқот материалларига Фарғона водийси ҳудудларидан 2017-2020 йиллар давомида йиғилган материаллар, олиб борилган амалий тадқиқотлар ҳамда кузатишлар натижалари асос бўлди. Шунингдек, Андижон давлат университети экспериментал биология ва экология лабораториясини Марказий Осиёнинг бошқа минтақалари одонатофаунасига оид коллекция материалларидан ҳам фойдаланилди. Ниначиларни ўрганиш индивидуал ва комплекс фаунистик экспедициялар пайтида олиб борилди. Доимий тадқиқотларда асосан Қорадарёдарё ўзани атрофидаги ташлама каналлар, зовур ва коллекторларда олиб борилди. Тадқиқотлар давомида Фарғона водийсининг барча вертикал (денгиз сатҳидан 350-400 м дан 1450-1455 м га қадар бўлган баландлик) минтақалари – паст текислик, адир, тоғ олди, ўрта тоғ ва юқори тоғ минтақалари тўлиқ қамраб олинди.

1-расм



Ишни бажаришда зоологик, энтомологик, морфологик, экологик ва биометрик усуллардан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Фарғона водийси ниначиларининг фаунистик таҳлили ва морфо-экологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида Фарғона водийси шароитида тарқалган ниначиларнинг морфологик хусусиятлари, тур таркиби ҳамда экологик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар баён этилган ва ҳар бир турнинг тарқалиши, аниқланган жойи ва муддати кўрсатилган.

Боб икки бўлимдан ташкил топган бўлиб, «**Фарғона водийси ниначиларнинг морфологик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бўлимида ниначиларнинг 2 та кенжа туркуми вакиллари – тенгқанотлилар (*Zygoptera*) ва ҳар-хил қанотлилар (*Anisoptera*)нинг морфологик хусусиятлари билан бир-биридан сезиларли фарқланиши кўрсатилган.

Бобнинг «**Фарғона водийси ниначиларининг тур таркиби ва систематик таҳлили**» деб номланган иккинчи бўлимида Фарғона водийси ҳудудида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида 2 та кенжа туркум, 6 та оила, 12 та авлодга мансуб бўлган 20 тур аниқланган ниначилар одонатофаунасининг таснифий каталоги берилган (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийси ҳудудларида аниқланган ниначи турларининг таксономик тавсифи

Кенжа туркум	Оила	Авлод	Тур
Zygoptera	Calopterygidae Selys, 1850 (=Agrionidae)	<i>Calopteryx</i> Leach, 1815 (=Agrion)	<i>Calopteryx splendens</i> Harris, 1780 (=Agrion <i>splendens</i> Harris, 1782)
			<i>Calopteryx virgo</i> Linnaeus, 1758 (=Agrion <i>virgo</i> Linne, 1758)
	Lestidae Calvert, 1901 (=Coenagrionidae)	<i>Lestes</i> Leach, 1815	<i>Lestes nympha</i> Selys, 1840 (=Lestes <i>dryas</i> Kirby 1890)
			<i>Sympsecta</i> Burmeister, 1839 (=Symptecna)
Coenagrionidae Kirby, 1890	<i>Coenagrion</i> Kirby, 1890	<i>Coenagrion pulchellum</i> Vander Linden, 1825	

	(= Agrionidae)	<i>Enallagma</i> Charpentier, 1840	<i>Enallagma cyathigerum</i> Charpentier, 1840
		<i>Ischnura</i> Charpentier, 1840 (= <i>Micronympha</i>)	<i>Ischnura elegans</i> Vander Linden, 1820 (= <i>Agrion elegans</i> Vander Linden, 1820)
			<i>Ischnura pumilio</i> Charpentier, 1825 (= <i>Agrion pumilio</i> Charpentier, 1825)
Anisoptera	Gomphidae Rambur, 1842	<i>Ophiogomphus</i> Selys, 1854	<i>Ophiogomphus cecilia</i> Fourcroy, 1785 (=Geoffroy in Fourcroy, 1785)
	Aeschnidae Rambur, 1842 (=Aeshnidae)	<i>Anax</i> Leach, 1815	<i>Anax imperator</i> Leach, 1815 (=Anax <i>formosus</i> Vander Linden, 1820)
			<i>Anax parthenope</i> Selys, 1839 (=Anax <i>parisinus</i> Rambur, 1842)
		<i>Aeshna</i> Fabricius, 1775 (= <i>Aeshna</i>)	<i>Aeshna isosceles</i> Muller, 1767 (= <i>Libellula isoceles</i> Müller, 1767, = <i>Aeshna</i> <i>rufescens</i> Vanderlinden, 1825)
		<i>Aeshna juncea</i> Linnaeus, 1758 (= <i>Aeshna rustica</i> Zetterstedt, 1840, = <i>Aeshna undulata</i> Bartenev, 1930, = <i>Libellula juncea</i> Linnaeus, 1758)	
	Libellulidae Rambur, 1842	<i>Sympetrum</i> Newman, 1833	<i>Sympetrum vulgatum</i> Linnaeus, 1758

		(= <i>Diplax</i>)	(= <i>Libellula vulgata</i> Linnaeus, 1758 , = <i>Sympetrum globulatum</i> Mueller, 1767)
			<i>Sympetrum flaveolum</i> Linnaeus, 1758 (= <i>Libellula flaveola</i> Linnaeus, 1758; = <i>Libellula victoria</i> Fourcroy, 1785)
			<i>Sympetrum meridionale</i> Selys, 1841 (= <i>Libellula meridionalis</i> Selys, 1841)
		<i>Libellula</i> Linnaeus, 1758 (= <i>Leptetrum</i> Newman, 1833)	<i>Libellula quadrimaculata</i> Linnaeus, 1758 (= <i>Leptetrum quadrimaculatum</i> Linnaeus, 1758)
		<i>Orthetrum</i> Newman, 1833	<i>Orthetrum brunneum</i> Fonscolombe, 1837 (= <i>Libellula brunnea</i> Fonscolombe, 1837)
			<i>Orthetrum cancelatum</i> Linnaeus, 1758 (= <i>Libellula cancellata</i> Linnaeus, 1758)
			<i>Orthetrum sabina</i> Drury 1770 (= <i>Libellula sabina</i> Drury, 1770; = <i>Orthetrum gibba</i> Fabricius, 1798)

Фарғона водийси ниначиларининг фаунаси 20 турдан ташкил топиб, куйида одонатофаунанинг авлодлар бўйича нисбати таҳлили берилган (1-жадвал).

Қуйидаги 2-жадвалда одонатофаунанинг доминант турларидан саналган *Orthertrum* Nev., ва *Sympetrum* Nev. авлод турлари умумий тур таркибининг 30 фоизини ташкил этади. *Calopteryx* Leach, *Ischnura* Charp., *Ayeshchna* Fabr., ҳамда *Anax* Leach уруғи вакиллари эса иккитадан турга эга бўлса, *Lestes* Leach., *Sympesma* Burm., *Coenagrion* Kirby, *Enallagma* Char., *Ophiogomphus* Selys. ва *Libellula* Linn. авлодига мансуб турларни монотипик характерга эканлигини кўриш мумкин.

2-жадвал

Фарғона водийси одонатофаунасининг авлодлари бўйича тақсимланиши

Т/р	Авлодлар номи	Турлар сони	Турларнинг умумий фаунага нисбати % да
1.	<i>Calopteryx</i>	2	10
2.	<i>Lestes</i>	1	5
3.	<i>Sympesma</i>	1	5
4.	<i>Coenagrion</i>	1	5
5.	<i>Enallagma</i>	1	5
6.	<i>Ischnura</i>	2	10
7.	<i>Ophiogomphus</i>	1	5
8.	<i>Anax</i>	2	10
9.	<i>Aeshchna</i>	2	10
10.	<i>Sympetrum</i>	3	15
11.	<i>Libellula</i>	1	5
12.	<i>Orthertrum</i>	3	15
	Жами	20	100

Фарғона водийсида тарқалган ниначилар туркумининг 2 кенжа туркуми маълум бўлиб, қуйида айни ҳашаротларнинг аниқлагич жадвали берилган.

Кенжа туркумлар имаголарини аниқлаш жадвали

1(2). Олди ва орқа қанотлар томирланиши шаклига кўра бир хил, ўз асоси билан бирга кўкракка бириккан. Қанотлар томирланишида қанот тўртбурчаклиги борлиги билан характерланади. Қанотларнинг томирланиши жуда ҳам зич, бўлиб жойлашган; қанотлар рангли. Қанотларнинг томирланиши сийрак ҳолда; олд тугунчада жойлашган томирлар оддий, қанотлар шаффоф **Zygoptera** Selys

1(2). Олдинги ва орқа қанотларнинг томирланиши тузилишига кўра бир хил эмас, орқа қанотлар олдингига нисбатан кенг ва олдинги бурчак орқали

кўкракка бириккан. Қанотларнинг томирланишида қанот учбурчаклари характери белги саналади..... **Anisoptera Selys**

Кенжа туркумлар личинкаларини аниқлаш жадвали

1(2). Личинкалар келишган, қалин цилиндрсимон қоринли бўлиб, қориннинг охирги қисмида учта дум жабра пластинкалари бор. Ияк овал ёки ромбик тузилишга эга..... **Zygoptera Selys**

1(2). Личинкалар йўғон, кенг, нисбатан калта, дум жабралари йўқ, қорин қисмида пирамидасимон анал органи бор..... **Anisoptera Selys**

Диссертациянинг **“Фарғона водийсида кенг тарқалган айрим ниначи турларнинг биологик хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида Фарғона водийси ҳудудида кенг тарқалган *Calopteryx splendens*, *Calopteryx virgo*, *Sympsecta fusca*, *Ischnura pumilio*, *Ischnura elegans*, *Anax imperator* ва *Orthetrum sabina* каби турларнинг биологик хусусиятларига ҳамда текислик ва тоғ олди ҳудудларда ривожланиб, мавсумий миграцияларда баланд тоғларгача учиб боришига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Турли географик (вертикал) минтақаларда тарқалган айрим ниначи турлари популяцияларини морфометрик фарқланиши»** деб номланган бешинчи бобида Фарғона водийси шароитида тарқалган айрим ниначи турлари танасининг морфометрик параметрларини таҳлилига оид статистик маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар давомида айрим ниначи турларини турли географик (вертикал) минтақаларда учрайдиган популяция индивидлари тана ўлчамларида фарқланишлари борлиги қайд этилди. Айни йўналиш бўйича материаллар асосан уч хил географик (вертикал) минтақалар – текислик (чўл), адир ва тоғлардан йиғилди.

Тадқиқот учун *Zygoptera* кенжа туркумига мансуб икки тур - *Calopteryx splendens* ва *Ischnura pumilio* ҳамда *Anisoptera* кенжа туркумига мансуб *Orthetrum sabina* танлаб олинди. Бу турларни танлаб олинишининг асосий сабаби, уларнинг популяциялари материал йиғилган уччала вертикал минтақаларда тарқалганлиги ҳамда урғочи ва эркак индивидларнинг морфометрик кўрсаткичларида фарқ бўлмаслигидир.

Морфометрик солиштирма таҳлил ниначи имаголарини боши, танаси, қоринча ва қанотлари ўлчамлари бўйича амалга оширилди.

Ушбу бобнинг **«*Calopteryx splendens* турининг турли популяция индивидларини морфометрик таққослаш»** деб номланган биринчи бўлимида айни турнинг вертикал минтақалардаги турли популяцияларини морфометрик параметрлари тегишли жадвалларда келтирилган. *Calopteryx splendens* турининг турли вертикал минтақалардан олинган намуналарининг тана узунлигини таққослаш жуфтлаш усулида амалга оширилди (3-жадвал).

Жадвалдан маълум бўладики, текислик ва адир минтақаларидаги популяциялар индивидларининг тана узунлиги бўйича ўртача кўрсаткичларидаги фарқ 0.5 мм бўлиб, фарқларни ишончлик мезони ($t_{\text{факт}}$) 3.57 ни, Стъюдент мезонининг критик нуқтаси ($t_{\text{ст}}$) эса 3.55 ни ташкил қилган.

Иккала ҳудуд бўйича турларнинг морфометрик кўрсаткичлари ишончли даражада фарқланган ($P < 0.001$) бўлса ҳам эътиборга лойиқ эмас.

3-жадвал

Турли вертикал минтақалардаги *Calopteryx splendens* турининг тана узунлигини таққослаш натижалари (мм)

№	Вертикал минтақалар	\bar{x}_1	\bar{x}_2	d	S _d	t _{факт}	t _{st}	P
1.	Текислик-адир	44.7	44.2	0.5	0.14	3.57	3.55	0.001
2.	Текислик-тоғ	44.7	42.9	1.8	0.12	15.	3.55	0.001
3.	Адир-тоғ	44.2	42.9	1.3	0.11	11.8	3.55	0.001

\bar{x}_1 ва \bar{x}_2 – солиштирилаётган популяциялардаги индивидлар тана узунлигининг ўртача кўрсаткичлар;

d – ўртача кўрсаткичлар фарқи;

S_d – ўртача кўрсаткичлар фарқини хатоси;

t_{факт} – фарқларининг ишончлилик мезони;

t_{st} – Стьюдент мезонининг критик нуқтаси.

P – ишончлилик коэффициенти

Текислик ва тоғ географик ҳудудларда турларнинг танаси бўйича морфометрик кўрсаткичлардаги умумий фарқланишар 1.8 мм ни ташкил қилган бўлса, фактик ($t_{\text{факт}}=15$, $t_{\text{st}}=3.55$) ва стандарт натижалар ўртасида ҳам юқори ишончлилик чегарасида бўлиши кузатилди ($P < 0.001$).

Адир – тоғ минтақасида бу кўрсаткичлар бўйича бир оз ўзгарувчанлик қийматлари кузатилди. *Calopteryx splendens* турининг иккала ҳудуд (адир – тоғ)даги популяция индивидларининг тана узунлиги бўйича морфометрик кўрсаткичлар, ўртасидаги фарқ 1.3 мм ни ташкил қилган бўлса, фактик кўрсаткич 11.8 ни ва стандарт кўрсаткич эса юқоридаги экологик ҳудудлар билан бир хил (3.55) натижани қайд этган.

4-жадвал

Турли вертикал минтақалардаги *Calopteryx splendens* турининг бош узунлигини таққослаш натижалари (мм)

№	Вертикал минтақалар	\bar{x}_1	\bar{x}_2	d	S _d	t _{факт}	t _{st}	P
1.	Текислик-адир	3.6	3.5	0.1	0.028	3.57	3.55	0.001
2.	Текислик-тоғ	3.6	3.2	0.4	0.027	14.80	3.55	0.001
3.	Адир-тоғ	3.5	3.2	0.3	0.026	11.50	3.55	0.001

Calopteryx splendens турининг бош ўлчамларини таққослаш 3-жадвалда келтирилган. Бу жадвалда ҳам ҳашарот бошининг морфометрик кўрсаткичларига кўра яққол фарқланишни текислик – тоғ ва адир – тоғ минтақалари популяцияларида кўриш мумкин. Текислик – тоғ популяцияларидаги фарқ 0.4 мм, адир – тоғ минтақалари бўйича фарқланиш 0.3 мм ни ташкил қилиб, Стъюдент мезони бўйича юқори ишончилилик даражасида эканлиги маълум бўлди ($P < 0.001$). Бош ўлчамлари бўйича текислик – адир популяцияларидаги фарқланиш ҳам $P < 0.001$ натижага асосан ишончли деб топилди (4-жадвал).

Calopteryx splendens турининг морфометрик параметрлари қиёсланаётган ҳар уччала вертикал минтақадаги популяцияларини қоринча узунлигини таққослаш натижаларида аввалгиларга нисбатан катта фарқланишлар кузатилди. Ўртача кўрсаткичлардаги фарқ текислик – адирда 0.8 мм, адир – тоғда 1.7 мм, текислик – тоғда эса 2.5 мм ни ташкил этди. Олинган натижалар Стъюдент мезони бўйича таҳлил қилинганда тафовутлар сезиларли ва юқори даражада ишончли эканлиги аниқланди ($5.7 > 3.55$; $17.8 > 3.55$; $13 > 3.55$, $P < 0.001$), (5-жадвал).

5-жадвал

Турли вертикал минтақалардаги *Calopteryx splendens* турининг қоринча узунлигини таққослаш натижалари (мм)

№	Вертикал минтақалар	\bar{x}_1	\bar{x}_2	d	S _d	t _{факт}	t _{st}	P
1.	Текислик-адир	35.7	34.9	0.8	0.14	5.7	3.55	0.001
2.	Текислик-тоғ	35.7	33.2	2.5	0.14	17.8	3.55	0.001
3.	Адир-тоғ	34.9	33.2	1.7	0.13	13.0	3.55	0.001

Calopteryx splendens турининг олдинги қанотлари узунлигини таққослаш натижалари 5-жадвалда келтирилган. Қанотларда ҳам қоринча ўлчамлари сингари яққол фарқланиш борлиги аниқланди. Ўртача кўрсаткичлардаги фарқ текислик – адирда 0.8 мм, адир – тоғда 1.1 мм, текислик – тоғда эса 1.9 мм эканлиги аниқланди. Натижалар Стъюдент мезони бўйича таҳлил қилинганда бунда ҳам тафовутлар юқори даражада ишончли эканлиги аниқланди ($P < 0.001$).

Calopteryx splendens турининг қанотлар бўйича морфометрик параметрларини солиштиришда фақат олд қанотларни узунлиги бўйича таҳлиллар ўтказилди. Бунинг сабаби бир параметрдаги фарқ бошқа параметрдаги фарқда ҳам ўз аксини топиши аниқлигидан келиб чиқилди. Қанотнинг узунлигидаги фарқи унинг кенлигида ҳам ўз аксини топади. Ундан ташқари, қанотларни параметрини солиштиришда фақат олдинги

қанотлар билан кифояланилди, чунки нормал ривожланишда олдинги ва орқа қанотларни ўлчамидаги ўзгаришлар параллел содир бўлади (6-жадвал).

6-жадвал

Турли вертикал минтақалардаги *Calopteryx splendens* турининг олд қанотлар узунлигини таққослаш натижалари (мм)

№	Вертикал минтақалар	\bar{x}_1	\bar{x}_2	d	S _d	t _{факт}	t _{st}	P
1.	Текислик-адир	31.7	30.9	0.8	0.15	5.30	3.55	0.001
2.	Текислик-тоғ	31.7	29.8	1.9	0.14	13.50	3.55	0.001
3.	Адир-тоғ	30.9	29.8	1.1	0.13	8.46	3.55	0.001

Олиб борилган статистик таҳлилларга кўра, *Calopteryx splendens* турининг турли вертикал минтақаларда тарқалган популяцияларининг морфометрик параметрларида яққол фарқланишлар борлиги аниқланди. Текислик, адир ва тоғ минтақаларидаги популяциялар маълум даражада изоляцияланишини мавжудлигини уларни ушбу минтақалардаги экологик шароитларга мослашгани модификацион ўзгариши бошланиши билан изохлади. Таҳлил қилинган минтақаларда иқлим омиллари нисбатан турғун кўринишида фарқлангани аниқланган морфометрик фарқланишларга асосий сабаб бўлиши мумкин.

Текисликда июль ойидаги ўртача ҳарорат тоғ минтақасидан +4+5⁰С юқорироқ, ёғингарчилик камроқ (200 мм, 400 мм) ҳамда фаслларнинг давомийлигида фарқлар мавжудлиги *Calopteryx splendens* тури личинкаларини ривожланишда ўз аксини топган. Ушбу минтақалардаги сув ҳавзаларидаги шароит ниначи личинкалари ривожланишига таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Айниқса, личинкаларни ривожланиши учун муҳим бўлган озуқа базаси тоғ минтақасида текислик минтақасига нисбатан камроқлиги билан ажралиб туради. Озуқани нисбатан камлиги личинкаларни ўсиб ривожланишига бевосита таъсир қилувчи муҳим омилдир. Албатта популяциялардаги морфометрик параметрлардаги фарқларни ҳосил бўлиши уларни фенотипик хусусиятларидан келиб чиққан.

Calopteryx splendens популяцияларидаги кузатилган фарқни қанчалик асослилигига ишонч ҳосил қилиш учун бошқа икки тур ниначиларда ҳам морфометрик таққослаш амалга оширилди.

Бобнинг «*Ischnura pumilio* турли популяция индивидларини морфометрик таққослаш» деб номланган иккинчи бўлимида *Ischnura pumilio* турини уч хил вертикал минтақаларда тарқалган популяцияларининг морфометрик параметрларида текислик – тоғ популяцияларини солиштиришдаги айрим ўртача кўрсаткичларда яққол фарқланишлар борлиги аниқланди. Текислик ва тоғ минтақаларидаги популяциялар билан

солиштиришда эса фаркланиш ишонarli даражада ва эътиборга лойиқ. Маълум, даражада изоляциянинг мавжудлиги уларни ушбу минтақалардаги экологик шароитларга мослашгани модификацион ўзгаришга учраётганлиги билан изоҳланади. Морфометрик таҳлиллар олиб борилган минтақаларда иқлимий омиллар нисбатан турғун кўринишида фарқланади.

Бобнинг учинчи бўлими «*Orthetrum sabina* турли популяция индивидларини морфометрик таққослаш» деб номланган. *Orthetrum sabina* ниначиларни ҳар хил қанотли Anisoptera кенжа туркум вакили бўлиб, Фарғона водийсида бу ниначилар оқар сувларни ҳуш кўради. Личинкалик даври ўтган сув ҳавзаларидан олис масофаларга учиб кетиши мумкин. Тоғли ҳудудларда 3000 м баландликка ҳам кўтарилади. Имагоси Фарғона водийсида асосан ёз ойларида кўплаб учрайди. *Orthetrum sabina* турининг морфометрик параметлари сезиларли вариабеллик хусусиятига эга, шунинг учун турли хил минтақалардаги популяциялар морфометрик жиҳатдан сезиларли даражада фарқланади.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, иқлимий омиллар, озуқа спектри ва яшаш муҳити шароитларига кўра бир турга мансуб ниначи популяцияларининг Фарғона водийси шароитида текислик, адир ва тоғ минтақалардаги индивидлари морфометрик жиҳатдан фаркланиши аниқланди.

Морфометрик фаркланишлар (тана, бош, қоринча, қанот узунликлари) популяциялар ареали кесиймайдиған *Calopteryx splendens*, *Ischnura pumilio*, *Orthetrum sabina* турларда ишончлилик даражасида эканлиги аниқланди.

Турли экологик шароитга эга бўлган минтақалардан олинган популяциялардаги индивидларнинг морфометрик фаркланишлари модификацион ўзгарувчанликка хос бўлиб, турнинг фенотипик пластиклиги хисобига рўй берган деб қараш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

“Фарғона водийси ниначилари (Insecta: Odonata) фаунаси, морфо-экологик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Фарғона водийси ҳудудида илк бор амалга оширилган тадқиқотлар натижасида 2 та кенжа туркум, 6 та оила, 12 та авлодга мансуб бўлган 20 та ниначи турлари аниқланди.

2. Ўзбекистон энтомофаунасида илк бор 5 тур ниначилар – *Ischnura pumilio*, *Ophiogomphus cecilia*, *Sympetrum meridionale*, *Libellula quadrimaculata* ва *Orthetrum sabina* қайд этилди.

3. Аниқланган ниначиларни личинкалари экологик хусусиятлари бўйича уч асосий гуруҳга – оқмайдиған сувларда ривожланувчилар (10 тур: *Sympetma fusca*, *Enallagma cyathigerum*, *Ischnura elegans*, *I.pumilio*, *Aeshna isosceles*, *A.juncea*, *Sympetrum vulgatum*, *S.flaveolum*, *S.meridionale*, *Libellula quadromaculata*), оқар сувларда ривожланувчилар (6 тур: *Calopteryx*

splendens, *C. virgo*, *Lestes dryas*, *Coenagrion pulchellum*, *Orthetrum sabina*, *Ophipgomphus sabina*), эврибионтлар (4 тур: *Anax imperator*, *A.partenope*, *Orthetrum brunneum*, *O.cancellatum*) классификация қилинди.

4. Фарғона водийси ниначиларининг кенг тарқалган *Calopteryx splendens*, *Calopteryx virgo*, *Sympesma fusca*, *Ischnura pumilio*, *Ischnura elegans*, *Anax imperator* ва *Orthetrum sabina* турларнинг биологик хусусиятлари ўрганилди.

5. Иқлимий омиллар, озуқа спектри ва яшаш муҳити шароитларига кўра бир турга мансуб ниначи популяцияларининг Фарғона водийси шароитида текислик, адир ва тоғ минтақалардаги индивидлари морфометрик жихатдан фарқланиши изоҳлаб берилди.

6. Тана, бош, қоринча, қанот узунликларидаги морфометрик фарқланишлар популяциялар ареали кесишмайдиган *Calopteryx splendens*, *Ischnura pumilio*, *Orthetrum sabina* турларда ишонччилик даражасида эканлиги аниқланди.

7. Турли экологик шароитга эга бўлган минтақалардаги ниначилар популяциялари индивидларнинг морфометрик фарқланишлари модификацион ўзгарувчанликка хос бўлиб, турнинг фенотипик пластиклиги хисобига рўй берган деб қараш мумкин.

8. Юқоридаги олинган маълумотлар ўз навбатида организмлар эволюциясини эпигенетик назариясини тасдиқловчи материал бўлиб хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПОД НОМЕРОМ РнД.03/30.06.2021.В.05.06 ПРИ ФЕРГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЗОКИРОВА МОХИДИЛХОН СУВАНХАНОВНА

**ФАУНА И МОРФО-ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СТРЕКОЗ
(INSECTA: ODONATA) ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнД) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/B395.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.zoology.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Муминов Бокижон Алимович
кандидат биологических наук, доцент

Официальные оппоненты: Дадаев Сайдулла
доктор биологических наук, профессор
Ахмедова Зухра Юлдашевна
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится 29.12 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03 / 30.06.2021.V.05.06 при Ферганском государственном университете. Адрес: 712000, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244-29-71, факс (99873) (+99873) 244-44-93, электронная почта: fardu_info@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирован под 140). Адрес: 712000, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19, конференц-зал ФГУ. Тел.: (99873) 244-29-71, факс (99873) (+99873) 244-44-93

Автореферат диссертации разослан 15 дек 2021 г.
(Реестр протокола рассылки № 4 от 15 дек 2021 г.)



И. И. Зокиров
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., доцент

Ш.К. Юлдашева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.б.н., доцент

А. К. Хусанов
Председатель научного семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня процесс трансформации, наблюдаемый во всем мире из-за антропогенных факторов, также влияет на резкие изменения экологической ситуации и видового состава биоразнообразия. В частности, расширение урбанизации ведет к сокращению локальной среды обитания стрекоз и исчезновению редких и исчезающих видов. Поэтому важно определить видовое разнообразие стрекоз в природных и культурных ландшафтах, обосновать их биоэкологические характеристики и разработать меры по сохранению редких и исчезающих видов.

В настоящее время в мире проводятся научные исследования для определения влияния представителей семейства стрекоз на окружающую среду и биологические системы, широко распространенных в естественных и антропогенных средах по всему миру, для выявления факторов, влияющих на их популяции, и для разработки мер по их сохранению. В связи с этим интерпретация изменений популяций стрекоз, обоснование популяционной биологии, определение уровней загрязнения природных биоценозов, антропогенной нагрузки в предгорных и горных ландшафтах с учетом жизнеспособности и приспособляемости стрекоз на равнинах, адырах, в горных районах и в урбанизированных территориях имеет большое научное и практическое значение.

В нашей республике проводится большая работа по сохранению биоразнообразия, рациональному использованию природных ресурсов и охране животного мира. В этом отношении достигнут ряд результатов, в том числе разработка методов инвентаризации, кадастра и сохранения редких видов беспозвоночных. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи по «... преодолению проблем, влияющих на окружающую среду и генофонд».² Исходя из этих целей, актуальны исследования, направленные на оценку современного состояния фауны стрекоз Ферганской долины, обоснование их экологии и жизненного цикла, а также разработку мер по сохранению редких и охраняемых видов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 ноября 2018 года № 914 «О государственном учете объектов животного и растительного мира, объемах их использования и государственном кадастре» и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

² Указ Президента Республики Узбекистан 07.02.2017 Г. N Уп-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана» Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

